

УДК:340.6:343.9:612

## ХОДИСА ЖОЙЛАРИДАН БИОЛОГИК КЕЛИБ ЧИҚИШГА ЭГА БЎЛГАН ИЗЛАРНИ ОЛИШДА АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ, ҚАЙД ҚИЛИШ ВА ҚАДОҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Яркинбоева М.Р.**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Эксперт - криминалистика бош маркази*

**Аннотация.** Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг замирида инсоннинг қадрини улуғлаш ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш энг асосий бурч эканлиги белгилаб ўтилмоқда. Хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш энг долзарб масалалардан биридир. Бу эса қотиллик, тан жароҳати етказиш, номусга тегиш каби фош этилмаган жиноятларни аниқлашга ёрдам беради.

**Калит сўзлар.** Шахсни аниқлаш, биологик из, ҳодиса жойлари, ашёвий далил, қадоқлаш, сақлаш.

## SPECIFIC CHARACTERISTICS OF IDENTIFYING, RECORDING AND PACKAGING MATERIAL EVIDENCE WHEN COLLECTING BIOLOGICAL TRACES FROM CRIME SCENES

**Yarkinboeva M.R.**

*Main Center of Expert - Criminalistics of the  
Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan*

**Annotation.** Today, the primary objective of the ongoing reforms in our country is to honor human dignity and ensure their rights and freedoms. One of the most pressing issues in the crime-fighting activities of law enforcement agencies is the identification and investigation of traces of biological origin. This plays a crucial role in solving crimes such as murder, infliction of bodily harm, and sexual offenses.

**Keywords.** Identification, biological traces, crime scenes, material evidence, packaging, preservation.

Таъкидлаш лозимки, шахснинг ҳаёти (қотиллик), соғлиги (турли даражадаги тан жароҳатлар етказиш) ва жинсий эркинлигига (номусга тегиш) қарши қаратилган жиноятларни илмий асосланган фактлар билан тўлиқ исботлаш талаб этилади. Шу ўринда жииноятчилар томонидан ҳодиса жойларида ўз изларини қолдирмаслик мақсадида турли хил усуллардан

фойдаланилмоқда. Фош этилмаган жиноятлар эса жиноятчиларга жазоланмаслик ҳиссини кучайтириб, келгуси жиноий фаолиятини давом эттиришга имкон бериши мумкин. Жамиятда жиноий фаолиятга кўниккан шахслар эса жиноят изларини яширишга уринмоқда.

Агарки, шахс ўзининг барча биометрик маълумотлари қонунийлик асосида давлат рўйхатига олинганлигини хис этса ва ҳар қандай жиноий қилмиши фош этилишини олдиндан англаб етса, аксарият вазиятларда бу уни жиноят қилишдан қайтаради. Бугунги кунда дунёда фуқароларни геном маълумотлари бўйича давлат рўйхатига олиш, шахсни идентификация қилиш энг замонавий усуллардан бири ҳисобланади.

2020 йил 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи мажлисида “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланиб, 2020 йил 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди (ЎРҚ-649).

Ушбу қонуннинг асосий мақсади геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги муносабатларни қонуний тартибга солиш, вазифалари эса биологик материалларни олиш, қайд этиш, ундан фойдаланиш, геном ахборотиغا ишлов бериш, геном ахборотини ягона маълумотлар базасини яратиш ва инсон шахсини идентификация қилишдан иборатдир.

Жиноят содир этилган ҳодиса жойларидаги геномга оид ахборотга эга бўлган хужайраларни, тўқималарни ва ажралмаларни олиш, аниқлаш, қайд қилиш ва қадоқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни синчковлик ва изчиллик билан, пировард натижада эса самарали ўтказиш – бу ҳар қандай жиноятни очиш ва тергов қилишда муваффақият гаровидир. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ижобий натижага эришиш учун кўздан кечиришни ўтказаётган эксперт ва мутахассисларда чуқур назарий билим ва турли хил излар билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар мавжуд бўлиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойда учрайдиган моддий изларнинг, айниқса, кенг тарқалган турлари билан ишлаш, уларни топиш, қайд этиш ва олиб қўйишнинг хусусиятларига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Содир этилаётган жиноятларнинг очилиши биринчи навбатда кўринадиган ва кўринмас изларнинг ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида аниқланишига боғлиқ. Биологик излар кўринадиган ёки кўриниши қийин бўлган излар бўлиб, бу изларни топиш учун махсус ёритгичлар, шунингдек механик ва кимёвий усуллар қўлланилади (масалан, қозғоздаги қўлларнинг кўринмас излари, ёки ҳодиса жойида қолдириб кетилган предметларда топилган микрозаррача, тола ва биологик хусусиятга эга бўлган одам танасининг ажратмалари).<sup>1</sup>

Биологик излар, ашёвий далиллар ва намуналарни танлаш, олиб қўйиш,

қадоклаш ва сақлаш учун мутахассислар олдиға бир қатор муҳим масалалар қўйилади:

- жиноят содир бўлган ҳудудни аниқлаш;
- ҳудудни ўраб олиш;
- изларга шикаст етказиши ёки уларни йўқ қилиб юбориши мумкин бўлган шахсларни бу ерга қўймаслик;
- тунги вақтда ходиса содир бўлган жойни ёритиш чораларини қўриш;
- жиноят содир этилган жойигача хавфсиз йўлак қилиш, ходиса жойини мутахассислар сонидан келиб чиқиб бўлақларга бўлиб олиш. Ҳодиса жойини мураккаб қисмини алоҳида ажратиб олиб, тажрибали мутахассис жалб қилиш;
- биологик излар топилган ҳудуд ёки предметларни белгилаб, улар яқинига рақамли тахтачалар қўйиш;
- йўлнинг қатнов қисмидан топилган излар атрофига транспорт ҳаракатини тақиқловчи ва айланиб ўтиш йўллари кўрсатувчи тўсиқлар қўйиш;
- ходиса жойида бир неча тур экспертлар бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурати бўлса ҳаракатлар кетма-кетлигини ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш.
- изларни тасодифан шикастланишини ва ифлосланишини истисно қилувчи чораларни қўриш (*кўздан кечирлишни амалга ошираётган шахс олдиндан белгиланган йўналишлар бўйлаб ҳаракатланиши, махсус лаборатория кийимлари, юзида химоя ниқоб бўлиши, бир марталик қўлқоп, тест найчалари, стерилланган жиҳоз ва ускуналар билан ишлаши, тегишли тавсияларга риоя этган ҳолда эҳтиёткорлик билан кўздан кечирлиши лозим*);
- атроф - муҳит омиллари (*ҳаво даражаси, шамол, қуёш нури ва ёгингарчилик*) таъсирида ўзгариши ёки бузилиши мумкин бўлган изларни, шунингдек, тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларидан топилган излар дарҳол қайд этилиши керак;
- биологик излари бўлган ашёвий далиллар ташувчиси объекти билан бирга бутунлай олиб қўйилади ва бу имконсиз бўлган ҳолларда био-изни ўз ичига олган объектнинг бир қисми олиб қўйилади. Агар объектни ўзи ёки унинг бир қисми билан олиб ташлашнинг иложи бўлмаса, биоматериални қириб ташлаш ёки ювиш амалга оширилади. Биоматериални сув билан (дистирланган сув) намланган стерил доқа билан ювиш лозим. Доғ солинган доқа хона ҳароратида (табиий шамоллатиш ёрдамида) ва қуруқ ҳолда қуритилади, тоза қоғозга қадокланади экспертиза муассасасига юборилади.
- биологик изларни олишда қайчи, пичоқ ва бошқа шу каби асбобларни ишлатишдан олдин ва кейин ҳар доим спирт билан яхшилаб тозаланиши, кейинги объектни олишдан олдин спирт асбобдан бутунлай буғланиб кетиши керак.

Шахснинг ҳаёти (*қотиллик*), соғлиги (*турли даражадаги тан жароҳатлар*)

*етказиш*) ва жинсий эркинлигига (*номусга тегиш*) қарши қаратилган жиноятлар билан боғлиқ ходиса жойларини чизмаларда белгиланиб, аниқланган ашёвий далиллар ҳамда жараён фото ва видео тасвирларга узлуксиз олиб борилади. Ходиса жойида аниқланган ашёвий далиллар (*ўтқир тигли буюмлар, пичоқ, кийимлар, соч, тирноқ, тиш, суяк, биологик тер – ёғ ажратмалари*) алоҳида қоғоз ёки полимер пакетларга солинган ҳолда холислар иштирокида қадоқлаб олинади. Агар ашёвий далилларда бошқа тур экспертизаларга оид тадқиқот ёки изларни аниқлаш зарурати бўлса (*бармоқ изи*) изларни сақлаб қолган ҳолда қадоқлаш чоралари кўрилади.

Олинган барча ашёвий далиллар ва намуналар ходиса жойини кўздан кечириш баённомасида қайд қилинади ва улар экспертиза тадқиқотлари учун жўнатилиши лозим. Ходиса жойини тўғри кўздан кечириш, экспертиза тадқиқотларини сифатли бажарилишига замин яратади.

Геномга оид ахборотларни олиш билан боғлиқ ходиса жойларидан биологик изларни аниқлаш, олиш, тадқиқ қилиш, баҳолашни ўрганишга имкон берувчи усулларни кенг жорий этиш ушбу турдаги жиноятларни фош қилишга, тезкор-тергов ҳаракатларини самарадорлигини оширишга олиб келади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Ходиса содир бўлган жойда биологик изларни аниқлаш ва уларнинг далилий аҳамияти” Абдумутал Каримович Закурлаев, Academic Research in Educational Sciences, May 2022.
2. “Судебно-биологическая экспертиза ДНК человека” Республиканский центр судебной экспертизы им.Х.Сулаймоновой
3. “Ўзбекистон суд экспертизаси” ҳуқуқий, ижтимоий, илмий – амалий журнал. 2023 №2(9).
4. Соболевская С.И “Работа с биологическими следами на месте происшествия” // Концепт научно – методический электронный журнал – 2014.- Спецвыпуск №29.
5. [uz.m.w.wikipedia.org](http://uz.m.w.wikipedia.org)